

ЭТАНОЛ БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШ МОДЕЛИДА НЕЙРОСПЕЦИФИК ОҚСИЛЛАР КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ахрорхонова М.З

Бабаджанова Ш.А

Абдуллаева М.И

Тошкент давлат тиббиёт университети

КИРИШ

Маълумки, алкоголь интоксикациясининг клиник кўринишлари асосан нерв системасидаги бузилишлар билан характерланади. Нерв тизимининг бузилишлари билан боровчи касалликларнинг патогенезида аутоиммун механизмлар муҳим рол ўйнайди. Нейротроп антигенларга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларининг ўзгариши нерв тўқимаси специфик структураси бузилишларининг эрта белгиларидан далолат беради.

Мақсад. Этанол билан заҳарланишда нейроспецифик оқсилларга нисбатан аутоантитаначалар миқдорини динамикада ўрганиш.

Материал ва усуллар. Тадқиқотни ўтказиш учун алкоголь интоксикацияси модели этанол эритмасини каламушлар ошқозонига 1, 2, 3, 4 ҳафта мобайнида юбориш орқали чақирилди. Иммунофермент таҳлил усулида «ЭЛИ-Н-Тест» тўплами (Россия) ёрдамида қон зардобиди NF-200 (аксонларнинг специфик оқсили), GFAP (астроцитлар цитоскелет системасининг оралиқ филаментларини ҳосил қилувчи миянинг специфик глиал фибрилляр кислотали оқсили), MBP (аксонларнинг миелинли қобиқларининг асосий оқсили), S100β (асосан астроцитлар цитоплазмасида жойлашган нерв системаси учун юқори специфик бўлган Ca²⁺-боғловчи оқсил), VGCC (потенциалга боғлиқ кальций каналлари) оқсилларига нисбатан нейротроп аутоантитаначалар миқдори аниқланди.

Натижалар. Тадқиқотимиз натижаларига кўра, этанолнинг сурункали таъсирида нерв тўқимаси турли оқсилларига нисбатан аутоантитаначалар миқдорида 1-ҳафтада интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқ намоён бўла бошлади. Нейромедияция жараёнинининг регуляциясида иштирок этувчи GFAP, S-100, VGCC, NF-200 ва MBP каби нейроспецифик оқсилларга нисбатан аутоантитаначалар миқдори ошиш тенденциясига эга бўлди. Токсикантнинг кириш вақти ўтган сайин тажриба ҳайвонларининг қон зардобиди нейроспецифик оқсилларга нисбатан ауто-АТ кўрсаткичлари ишончли ортиб борди. Жумладан, тадқиқотнинг 4-ҳафтасига келиб NF-200 оқсилига нисбатан аутоантитаначалар миқдори ишонарли равишда 1,44 мартага; GFAP оқсилига нисбатан 2,03 маротабага; S-100β оқсилига нисбатан 1,65 маротаба; MBP оқсилига нисбатан 1,7 маротабага ва охириги оқсил VGCC га нисбатан 1,63 маротабага ортиши аниқланди. Олинган натижаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки,

этанол билан заҳарланишда эрта ва кескин ўзгаришлар GFAP ва S-100 оқсиллари учун тегишли бўлди. Бизнинг фикримизча этанол билан сурункали заҳарланганда нейроспецифик оқсилларга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларининг ортиб бориши этанол ва унинг метаболитлари таъсирида гематоэнцефал тўсиқ ўтказувчанлигининг бузилиши, астроцитларда дистрофик жараёнлар, нейроглиянинг шикастланиши, нейротрансмиссия жараёнларининг ўзгариши, аксонлар ва миелин толаларининг шикастланиши билан боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин. Этанол билан сурункали заҳарланишда бу оқсилларга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларини аниқлаш миёна шикастланишини эрта ташхислаш ва даво-профилактика чора-тадбирларини ўтказиш имконини беради.

Хулоса. Шундай қилиб, тадқиқот натижалари кўрсатишича нейроспецифик оқсилларга нисбатан аутоантитаначалар миқдорининг ортиб боради ва бу кўрсаткичлар алкоголь интоксикациясида бош миёна шикастланишидаги предиктор сифатида фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради.